

ЯНГИ ТҶЙХОНА ҲОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Бағдод туманининг “Бекобод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги тўйхона биноси фойдаланишга топширилди.

“Беш кўча” номини олган мазкур тадбиркорлик объекти қишлоқ аҳолиси учун Янги йил байрамига муносиб совға бўлди. Тадбиркор Алишер Примбердиевнинг айтишича, бунда оталар чойхонаси ҳамда меҳмонхона ҳам бунёд этилди.

- Туманимиз ҳокимининг яқинда тадбиркорларга йўллаган Мурожаати кучимизга куч қўшди, - дейди тадбиркор. - Банкдан олинган 1 млрд. сўмдан ортиқроқ кредит ва ўз маблағларимиз ҳисобига, кўриб турганингиздек, кўркам, замонавий иншоотни қуриб битказишга муваффақ бўлдик. Албатта, ниятимиз эзгу: ушбу объект узоқ йиллар мобайнида қишлоқдошларимизнинг энг қувончли кунларига гувоҳ бўлсин.



Объект фойдаланишга топширилиши муносабати билан ташкилланган маросимда туман ҳокимлиги вакиллари қатнашиб, тадбиркорни ва қишлоқ аҳлини самимий қутладилар.

Янги – 2020 йилнинг илк кунидан фаолият юритувчи тўйхонада 20 дан ортиқ доимий иш ўрни яратилди.

Бағдод тумани ҳокимлиги

Ахборот хизмати.

2019-12-29 16:16:13